

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

ИНЖЕНЕРЛИК СЕРВИСИ ФАКУЛЬТЕТИ

“ШАХАР ҚУРИЛИШИ ВА ХЎЖАЛИГИ” КАФЕДРАСИ

1- рейтинг учун

# КУРС ИШИ

МЕН ЯШАЙДИГАН МАҲАЛЛА

Бажарди : Суратов Х.  
гр. 12-07

Қабул қилди : Холмуродов М.Х.

ТОШКЕНТ 2009

# МЕН ЯШАЙДИГАН МАҲАЛЛА

РЕЖА:

1. Ватанни севиш лозим !!!
2. Кичик Ватан бўлган манзилни географик ўрни ва рельефини тасвирланг. Дарё, канал, кўл ёки ер ости манбаалари (булок, кудук), архитектура ва табиий ёдгорликлар, корхона, ташкилот, ўқув юртлари ва хоказолар мавжудлиги тўғрисида маълумот беринг.
3. Махаллангиздаги уй-жой бинолари, уларнинг турлари, каватлиги схемада (А-4)ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотлар ва муассасалар, ҳамда аҳоли хизмати доирасида бўлган объектларни тасвирланг.
4. Яшовчиларга коммунал-сервис хизмат кўрсатилаётган даражага баҳо беринг. Шунингдек, яшовчиларни турмуш даражасини яхшилашга қаратилган мулоҳаза ва таклифларингизни баён этинг.

## **1. Ватанни севиш лозим !!!**

Ватанни севиш лозим. Ватан деганда ҳар бир инсоннинг ўзи туғилиб вояга етган макони кўз ўнгида намоён бўлади. Бу унинг болалиги, ўсмирлиги, қарилик кунлари хуллас, энг бахтли онлари ўтган уйдир. Бу унинг биринчи меҳир берган еридир. Бу унинг оиласидир. Кейин-чи? Сўнг бу унинг мактаби, қўшни-дўстлари, танбеҳ берган қўшнилари..... Буларнинг барчаси унинг Ватанидир. Балки бу сўзлар баъзилар учун оддий бир воқеалардек туюлар, лекин мусофир инсонларнинг қалби тубидаги энг ширин эсдалик хотираларидир, соғинчидир. Бу туйғуни биз Ватан туйғуси деб атаймиз.

Халқимизда “мусофир бўлмагунча муслмон бўлмас” ибораси бежиз айтилмаган.

Ватан туйғусини мамлакатдан ташқарисида эмас балки, унинг ўзида, аммо унинг бошқа ерида ҳам ҳис қилиш мумкин.

Юқорида биз уйни ҳам Ватан дедик, маҳаллани ҳам, шаҳримизни ҳам хаттоки мамлакатни ҳам Ватан дедик. Инсоннинг ватани нечта деган савол туғилиши мумкин. Бунга жавобан қуйидагини айтиш мумкин: Инсон учун Ватан Она заминдир ва у ягонадир. Демак, барчамизнинг Ватанимиз бир экан. Инсонларни фақатгина урф-одатлар, асрлар давомида шаклланиб, ота-боболаримиздан меърос бўлиб, қолган анъаналар, қарашларгина ажратиб туради. Ҳар бир халқнинг алоҳида-алоҳида яшаш натижасида бу фарқлар вужудга келган десак адашмаймиз. Демак,

инсонни онгининг ривожланиши якка тартибда эмас балки, жамоат бўлиб яшаш натижасида юзага келади.

Шу маънода биз бир оилани эмас балки, оилалар йиғиндиси бўлмиш жамоат бугунги кунда “махалла” номини олган бизнинг Ватанимиз ҳақида гапирамиз.

Аввало, маҳалланинг луғавий маъносига эътибор берадиган бўсак, у арабча сўздан олинган бўлиб, “шаҳар қисми” деган маънони англатади.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилмоқда. Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда маҳалланинг нуфузи тобора ошиб бормоқда. Маҳалла бугун ўз ҳудудида истиқомат қилувчи ҳар бир инсон тақдирига бевосита жавоб беради. Инсон билан боғлиқ ҳар бир масала энг аввало маҳалла билан ҳал этилиши фикримиз далилидир. Бунинг афзаллиги шундаки, фуқаро ҳақида маҳалла, кўни-кўшнисичилик ҳеч ким кўп ва ҳаққоний маълумотга эга бўлмайди.

Президентимиз томонидан 2003 йилнинг "Обод маҳалла йили" деб эълон этилиши ва давлат дастурининг ижроси, шубҳасиз маҳалла мақомини мустаҳкамлади, унга бўлган аҳоли ишончини кучайтириб келмоқда.

**2. Кичик Ватан бўлган манзилни географик ўрни ва рельефини тасвирланг. Дарё, канал, кўл ёки ер ости манбаалари (булок, қудук), архитектура ва табиий ёдгорликлар, корхона,**

**ташкилот, ўқув юртлари ва хоказолар мавжудлиги тўғрисида маълумот беринг.**

Менинг кичик Ватаним бўлмиш Оҳангарон шаҳар “Янгиобод” маҳалласида туғлганимдан буён истиқомат қилиб келмоқдаман.

“Янгиобод” маҳалласининг географик жойлашишига эътибор берадиган бўлсак, у шаҳарнинг марказида жойлашган. Тошкент-Ангрен катта трассасининг ўнг тарафида жойлашган.

“Янгиобод” маҳалласи тарихи 1930 йилларга бориб тақалади. Илгари одамлар ўтроқ ҳаёт кечиргани бизга маълум. Шунга асосан ерлик аҳолининг асосий турмуш тарзи деҳқончилик ва чорвачилик бўлган. Маҳалла аҳолисини кўп миллатли аҳоли ташкил этади. Маҳалла ҳудудидан оқиб ўтадиган “Ангрен” дарёси аҳоли ижтимоий ҳаётида муҳим рол ўйнайди. Маҳалламизда оқиб ўтадиган қисми Хўжа канал деб аталади.

Маҳалланинг асл эски номи “Қўрғон” бўлиб, 1999 йил Ўзбекистон Республикаси И.А.Каримов Қарорига биноан, Оҳангарон шаҳар ҳокимлигининг 113/1 фармойиши билан маҳаллага “Янгиобод” деб ном берилди. “Янгиобод” маҳалла кўчалари жами 11 та бўлиб, ҳар бир кўча ўз номига эга. Булар:

- Янгиовул;
- Янгиобод;
- Истиқлол;
- Алпомиш;
- Фурқат;
- У.Носир;

- I У.Носир;
- II У.Носир;
- Наврӯз;
- I Наврӯз;
- II Наврӯз кўчалари.

Маҳаллада 1 та Ўқув муассасаси (7-ёрдамчи мактаб), 1 та хусусий дўкон, 1 та пойафзал таъмирлаш устахонаси, 7 та дурадгорчилик, 1 та нон ёпиш пекарнийлари ва 1 та темирчилик устахонаси, сартарошхона мавжуд. Шаҳардаги “Ҳоким Ота” қабристони ҳам маҳалламизда жойлашган. Шунингдек, Оҳангарон шаҳар “Дехқон бозори” бизнинг маҳалламизни бошқа маҳаллалардан ажратиб туради.

Маҳалламизда 2 та диний муассаса фаолият кўрсатмоқда. Булардан бири Эски масжид ва яқиндагина таъмирдан чиқарилган Оҳангарон шаҳар “Ҳонабод” жомъе масжиди.

Маҳалланинг тармуш тарзи қуйидагича:

Аҳолининг 60% и шаҳардаги мавжуд саноат корхоналарида меҳнат қилади. Аҳолининг иш билан бандлиги 87% ни ташкил этади. Маҳаллада ҳар хил касб эгалари аҳил ва иноқ яшаб келишмоқда.

**4. Яшовчиларга коммунал-сервис хизмат кўрсатилаётган даражага баҳо беринг. Шунингдек, яшовчиларни турмуш даражасини яхшилашга қаратилган мулоҳаза ва таклифларингизни баён этинг.**

Бизнинг “Гулбозор” маҳалламизда фақат 1 қаватли ҳовли уйлар мавжуд. Ҳар бир хонадонда коммунал хизматларининг

турлари ташкил этилган. Масалан, маҳалламиздаги барча хонадонлар газ билан таъминланган. Қишнинг совуқ кунларида иситиш тизими яъни отопление эса ҳар бир хонададонда алоҳида-алоҳида ташкил қилинган. Шунингдек, совуқ сув таъминоти яъни водопровод тизими ҳам ҳар бир хонадонда мавжуд. Иссиқ сув таъминоти бизда кўп қаватли бинолардан фарқли хоммом(баниялар)лар ташкил қилинган. Ёритиш тизими, алоқа воситалари ҳақида гапирадиган бўлсак, бу икки коммунал хизматларнинг тарлари ҳам маҳалламизнинг ҳар бир хонадоида ташкил қилинган.

Тозаликни таъминловчи чиқиндиларни четлатиш тизими Маҳалламизнинг ободончилигида муҳим аҳамият касб этади. Менинг маҳалламизда коммунал хизматларнинг қай даражада ташкил қилинганли ҳолати тўғрисидаги таклифларимни чиқиндиларни четлатиш тизимига билдирмоқчиман: аввало бу тизим нафақат бизнинг балки, бошқа маҳаллаларда ҳам айникса, шаҳримизнинг кўп қаватли бинолари қад кўтарган ерларда суи фаолият кўрсатаётгани, менинг бу тизимга бераётган баҳони қоникрсиз дейишимга сабаб бўлади.

Ҳар бир ишнинг камчилиги бўлганлиги каби бусоҳада ҳам етарлича камчиликларни кузатиш мумкин. Масалан, чиқиндиларни четлатиш машиналари, йиғилган чиқиндилар то йиғилиб-йиғилиб бориб, катта бир ҳудуд чиқинди билан тўлиб кетмагунча чиқиндиларни олиб кетмайди. Албатта ҳар бир маҳалла ўзининг ободлиги билан наъмунали бўлади. Ўйлайманки тез орада бу тизим ҳам бизда ривожланади.

Тошкент шаҳар Шойхонтохур тумани “Гулбозор” номли  
 маҳалласининг ижтимоий – сиёсий ҳолати ҳақидаги  
 2009 йил учун  
**МАЪЛУМОТ**

| №  | Маҳалла                                                                                       | Қиймат |
|----|-----------------------------------------------------------------------------------------------|--------|
| 1  | Аҳоли сони                                                                                    | 2603   |
| 2  | Оилалар сони                                                                                  | 568    |
| 3  | 3 ёшгача бўлган болалар сони                                                                  | 30     |
| 4  | 3-16 ёшгача бўлган болалар сони                                                               | 425    |
| 5  | Нафақахўрлар сони<br>Шу жумладан: Улуғ Ватан уруши<br>қатнашчилари ва ногиронлари сони        | 66     |
| 6  | Маҳалладаги ишсизлар сони                                                                     | 145    |
| 7  | Қаровга мухтож, ёлғиз яшовчи<br>фуқаролар сони                                                | 1      |
| 8  | Маҳалладаги кўчалар сони<br>Шу жумладан: кўчалар номи:<br>А. Новои, Зарқайнар, Ботир Зокиров. | 3      |
| 9  | Маҳалладаги аёллар сони                                                                       | 1183   |
| 10 | Депортация қилинганлар                                                                        | -      |
| 11 | Кўп қаватли уйлар сони                                                                        | -      |
| 12 | Кўп қаватли уйлардаги хонадонлар сони                                                         | -      |
| 13 | Кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли<br>сон                                                       | -      |
| 14 | Кўп қаватли уйларда яшовчи оилалар<br>сон                                                     | -      |
| 15 | Якка тартибдаги уйлар сони                                                                    | 525    |
| 16 | Якка тартибдаги уйларда яшовчи аҳоли<br>сон                                                   | 2603   |
| 17 | Якка тартибдаги уйларда яшовчи<br>оилалар сони                                                | 568    |
| 18 | Нотинч оилалар сони                                                                           | -      |
| 19 | Жазо муддатини ўтаб келганлар                                                                 | -      |
| 20 | Жазо муддатини ўтаётганлар сони                                                               | -      |
| 21 | Балоғатга етмаганлар билан ишлаш<br>инспекцияси ҳисобида турувчи ёшлар<br>сон                 | -      |

|    |                                                                                                       |     |
|----|-------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| 22 | Кам таъминланган оилалар сони                                                                         | 72  |
| 23 | Моддий ёрдам сўраб ариза ёзган оилалар сони                                                           | 4   |
| 24 | Моддий ёрдам олган оилалар сони                                                                       | 4   |
| 25 | 16 ёшгача бўлган болалар нафақаси олувчи оилалар сони                                                 | 27  |
| 26 | 2 ёшгача бўлган болалар нафақаси олувчи оилалар сони                                                  | 43  |
| 27 | 2006 йилда содир этилган жиноятлар сони                                                               | -   |
| 28 | 2007 йилда содир этилган жиноятлар сони                                                               | -   |
| 29 | 2008 йил 1 мартгача содир этилган жиноятлар сони                                                      | -   |
| 30 | Диний экстремистик оқимга мансуб шахслар сони                                                         | -   |
| 31 | Маҳалла ҳисобида турувчи, лекин номаълум сабабларга кўра маҳаллада яшамайдиган фуқаролар сони         | -   |
| 32 | Маҳалла ҳисобида турмайдиган, лекин маҳаллада яшовчи фуқаролар сони<br>Шу жумладан: чет эл фуқаролари | -   |
| 33 | Маҳалладаги мактаблар сони                                                                            | 1   |
| 34 | Мактаблардаги ўқувчилар сони                                                                          | 256 |
| 35 | Маҳалладаги мактабгача тарбия муассасалари сони                                                       | -   |
| 36 | Мактабгача тарбия муассасаларида тарбияланувчилар сони                                                | -   |
| 37 | Масжидлар                                                                                             | 1   |
| 38 | Бошқа диний конференциялари сони                                                                      | -   |
| 39 | Маҳаллада саноат корхоналари сони                                                                     | -   |
| 40 | Маҳалладаги спорт иншоотлари сони                                                                     | -   |
| 41 | Маҳалладаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари сони                                                     | -   |
| 42 | Соғлиқни сақлаш муассасалари сони                                                                     | -   |
| 43 | Маҳалладаги маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари сони<br>шу жумладан:                                   |     |

|    |                                                                                                                        |    |
|----|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
|    | 1 та хусусий дўкон, 1 та пойафзал таъмирлаш устахонаси, 7 та дурадгорчилик ва 1 та темирчилик устахонаси, сартарошхона |    |
| 44 | Маҳалладаги техник воситаларга хизмат кўрсатиш шахобчалари сони                                                        | -  |
| 45 | Маҳалладаги савдо ташкилотлари сони шу жумладан:<br>нон дўкони <u>1</u> та,<br>нонвойхона <u>5</u> та                  |    |
| 46 | Маҳалладаги кичик ва ўрта бизнес фирмалари сони                                                                        | -  |
| 47 | Маҳалладаги маиший чиқиндилар тўпланадиган жойлар сони                                                                 | 4  |
| 48 | Маҳалла худудидаги ёритиш устунлари сони                                                                               | 31 |